



СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ: ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги Академияси

Киберхуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18513755>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-fevral 2026 yil

Ma'qullandi: 04-fevral 2026 yil

Nashr qilindi: 07-fevral 2026 yil

KEYWORDS

дастлабки тергов,
суриштирув, тўхтатиш
институту, тергов
ҳаракатлари, дастлабки
терговни тўхтатиш,
суриштирувни тўхтатиш,
тўхтатиш тушунчаси,
вақтинчалик танаффус, иш
юретишни тўхтатиш.

ABSTRACT

Мақолада суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг тушунчалари чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мазкур институтнинг қонунчиликдаги мавжудлиги, унинг турли номланишлари (дастлабки терговни тўхтатиш, суриштирувни тўхтатиш, жиноят ишини кўришни тўхтатиш, иш юритишни тўхтатиш) муаммоси кўрсатиб ўтилган. Марказий Осиё ва Россия олимларининг (Л.М.Репкин, Б.Г.Алимджанов, Х.Х.Ботиров, М.С.Саломов ва бошқалар) фикрлари қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг тўрт асосий ёндашуви: тергов ҳаракатларидаги танаффус, жиноят ишини тўхтатиш, процессуал фаолиятни тугатиш ва ҳуқуқий институт сифатида қарашлари батафсил ўрганилган. Таъкидланишича, бу институт жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади ва жиноят ишини тугатиш билан аралаштириб юбормаслик зарур..

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади[1].

Ушбу устувор вазифани амалга оширишда жиноят-процессуал қонунчилигининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача иш юритувида қонунийликни ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган нормаларининг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу каби нормалар қаторида жиноят-процессуал қонунчилигидаги суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш билан боғлиқ моддаларни кўрсатиш мумкин. Чунки, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш маълум бир муддатли танаффусга ўхшаб кўринса-да, унда иш бўйича жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарликдан қочиб

қутулиш мақсадида тергов ва суддан яширинишлари, жавобгарликдан бўйин товлашларига тескари пропорционал бўлиб, охир оқибатда жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилининг тўлақонли ижросини таъминлашга замин ҳозирлайди.

Таъкидлаш ўринлики, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институтини чуқур ўрганиш аввало мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг мазмунини тўлиқ англаш, унинг асослари ҳамда шартларини тўғри қўллашда унинг турли тушунча, категориялар билан ўзаро нисбати ва алоқадорлиги, умумий ҳамда ўзига хос хусусиятлари, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишга оид илмий-назарий концепция ҳамда ёндашувларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

“Тўхтатиш” сўзи изоҳли луғатларда “давом этмай қўймоқ”, “давомдан қолмоқ”, “сабр қилмоқ, кутмоқ”, “юрмай, ишламай қўймоқ”, “иш фаолият, ҳаракатда узулиш қилмоқ”, “тўхтам ҳосил қилмоқ”[2] каби маъноларда изоҳланади.

Фикримизча, жиноят-процессуал қонунчилигидаги суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш, ушбу сўзнинг изоҳли луғатларда берилган изоҳига айнан бўлиб, такомиллаштиришга зарурат сезмайди.

Қомусий луғатларда эса “тўхтатиш” сўзи “қарор қилмоқ”, “ўз ишини, ҳаракатини, фаолиятини бас қилмоқ”[3] деб таърифланган бўлиб, ушбу иборалар “тўхтатиш” сўзига изоҳли луғатларда берилган таърифларга мазмунан синоним ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддасида дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби келтирилган бўлса-да, қонун чиқарувчи ушбу нормада “дастлабки терговни тўхтатиш”нинг тушунчасини таърифламаганлиги, ушбу тушунчага нисбатан қонунчилик ҳужжатларида, шунингдек илмий-доктринали шарҳларда мутахассислар томонидан турли-туман талқин қилинишларга замин яратиб бермоқда.

Зеро, биргина Жиноят-процессуал кодексининг ўзида:

- 1) 12 та ўринда “дастлабки терговни тўхтатиш”;
- 2) 2 та ўринда “суриштирувни тўхтатиш”;
- 3) 3 та ўринда “жиноят ишини кўришни тўхтатиш”;
- 4) 2 та ўринда “иш юритишни тўхтатиш” жумлалари орқали ишлатилган.

Шу боис, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг юридик табиати ва мазмунини таҳлил қилишда бу борада илгари амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда мутахассисларнинг фикрларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Л.М.Репкин: “Дастлабки терговни тўхтатиш тергов ҳаракатларини ўтказишдаги вақтинчалик танаффусдир” деб таърифлайди[4]. Юридик манбаларда Л.М.Репкиннинг ушбу фикри В.Д.Ломовский[5], Б.Т.Безлепкин[6], В.В.Молдова ва Р.С.Кацавец[7] каби бир гуруҳ мутахассислар томонидан маъқулланганлигини кузатиш мумкин.

Бошқа мутахассислар эса юқоридаги олимларнинг фикрига номувофиқ фикрни илгари суришиб, “дастлабки терговни тўхтатиш” тушунчаси ўрнига “жиноят ишини тўхтатиш” деган тушунчани ишлатиш керак эканлиги тўғрисидаги ғояларни илгари суришади.

Хусусан, Б.Г.Алимджановга кўра жиноят ишини тўхтатиш процессуал муддатларни тўхтатиш билан бирга, ҳеч қандай процессуал ҳаракатларни ўтказилмаслигини

англатади[8].

Фикримизча, Л.М.Репкин, В.Д.Ломовский, Б.Т.Безлепкин, В.В. Молдова, Р.С. Кацавецларнинг дастлабки терговни тўхтатишга берган таърифидаги “тергов ҳаракатларини ўтказишдаги вақтинчалик танаффус” тушунчасига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу мутахассисларнинг бу борадаги таърифи “дастлабки терговни тўхтатиш” тушунчасининг мазмунини тўла очиб бермайди ва такомиллаштиришга муҳтожлик сезади.

Шу билан бирга Б.Г.Алимджановнинг ҳам бу борада “жиноят ишини тўхтатиш” жумласини ишлатилишига доир фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди.

Чунки, дастлабки терговнинг тўхтатилиши жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатилишини англамайди ва бу ҳам процессуал тартиб-таомиллар ва ҳам мантиқ қоидаларига ҳам тўғри келмайди. Шу билан бирга, ушбу масалада “жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатилиши” иборасининг қўлланилиши жиноят содир этган шахсга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминланиши масаласида ҳам қарама-қарши талқинларнинг юзага келишига замин яратади.

Аслида, Г.П.Химичёва[9] ва К.Д.Халменовларнинг[10] таъбири билан айтганда дастлабки тергов тўхтатилгандан кейин терговчининг фаолияти ташкилий кўринишга ўтиши, содир этилган жиноятга нисбатан жиноий таъқибнинг интенсивлигининг таъминланиши бу борада исбот қилиш субъектларининг диққат марказидаги масалага айланмоғи лозим.

Зеро, фикримизча, дастлабки терговни тўхтатиш жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш, қидириб топиш, оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаликка касалликка чалинган ҳолларда соғайгунига қадар кутиш шаклидаги ҳаракатларга асосланган ва жараёни автоматлаштирилган ҳолда ҳаракатга келтирадиган тизим сифатида қаралиши лозим.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, айрим олимлар, хусусан С.А.Скворцова, Н.В.Угольников ва С.С.Шуренковалар дастлабки терговни тўхтатишни “процессуал фаолиятнинг вақтинчалик тугатилиши” деб таърифлайди ва унинг ички асоси ҳамда моҳиятини эътиборга олмаслик лозим[11] деб таъкидлайди.

Ушбу фикрларга қўшилмаган ҳолда айтиш керакки, тўхтатиш ва тугатиш умуман бошқа бошқа тушунчалар ҳисобланади. Шу сабабли, бизнингча олимлар томонидан билдирилган фикрлар мантиқан нотўғридир.

Б.Б.Муродовнинг таъбири билан айтганда жиноят ишини тугатиш бу – ваколатли мансабдор шахснинг иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаш орқали қонунда назарда тутилган муайян асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилиб, жиноят иши юритувини тугатиш хусусида қатъий хулосага келиши ва ишни процессуал қарор ёки ажрим чиқариш орқали тамомлашидир[12]. Зеро, жиноят-процессуал қонунчиликка кўра жиноят ишини тугатиш уни тамомлашнинг бир тури ҳисобланади.

Х.Х.Ботиров тўхтатиш атамасини тор маънода процессуал ҳаракатни тўхтатиш, яъни жиноят процессининг дастлабки тергов, суд муҳокомаси босқичида маълум бир

ҳаракатларнигина амалга оширишда эканлигини назарда тутса, кенг маънода ҳуқуқий процессуал институт сифатида таърифлайди[13].

Х.Х.Ботировнинг ушбу фикрига айнан фикрлар Ш.Ф.Файзиев[14], А.М.Попов[15], А.В.Кочетова[16], Э.Ф.Зокирова[17], К.А.Сергеев[18], И.А.Малютин[19], З.М.Исломов[20] каби олимлар томонидан ҳам илгари сурилган.

Бизнингча, ушбу олимларнинг фикри мунозарали бўлиб, унга қисман қўшилиш мумкин. Чунки, дастлабки терговни тўхтатишнинг жиноят-процессуал ҳуқуқнинг институти эканлигини инкор этиб бўлмаса-да, тўхтатиш атамасини процессуал ҳаракатни тўхтатиш жумласи билан боғлаш мунозаралидир.

Чунки, Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддаси мазмунига кўра дастлабки терговни тўхтатишда жиноят иши бўйича фақатгина тергов ҳаракатларини ўтказиш тўхтатилади. Қонун чиқарувчи дастлабки тергов тўхтатилганидан сўнг бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишни тақиқламайди.

М.С.Саломовга кўра дастлабки терговни тўхтатиш бу – жиноят-процессуал қонунчилиikka биноан, терговчи, прокурорнинг жиноят содир этган шахс аниқлангунга, яширинган айбланувчи қидириб топилгунга ёки қонунда белгиланган бошқа ҳолатлар бартараф этилгунга қадар жиноят ишини юритишни амалга ошириб бўлмаслигидир[21].

М.С.Саломовнинг ушбу таърифи юқорида келтирилган таърифлардан тўлароқ эканлигини кўринса-да, ушбу таърифни ҳам дастлабки терговни тўхтатишга берилган мукамал таъриф деб баҳолаб бўлмайди.

Чунки, юқоридаги айтганимиздек қонун чиқарувчи дастлабки терговни тўхтатишни “тергов ҳаракатлари юритилишини тўхтатиш”нинг процессуал ўзагига боғлаган.

Бу эса бизнингча, дастлабки тергови тўхтатилган жиноят иши бўйича иш юритилишини батамом тўхтатилишини англатмайди.

Фикримизча, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи ваколатли мансабдор шахслар суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишда иш бўйича шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиши учун ҳамда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаришидан аввал барча ҳолатлар исботланганлигига ишонч ҳосил қилиб, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиши керак.

Бундан ташқари, ишни ўз юритувига олган исбот қилишнинг субъекти суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам инобатга олиши лозим.

Дастлабки терговни тўхтатишга оид юқорида келтирилган таҳлилларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, дастлабки терговни тўхтатиш бу:

1. Тергов ҳаракатларини ўтказишдаги вақтинчалик танаффуслар (Л.М.Репкин, В.Д.Ломовский, Б.Т.Безлепкин, В.В.Молдова ва Р.С.Кацавец);

2. Жиноят ишини тўхтатишдир (Б.Г.Алимджанов, Г.П.Химичёва, К.Д. Халменов);

3. Процессуал фаолиятни вақтинчалик тугатиш (В.М. Быков, С.А.Скворцова, Н.В.Угольников, С.С.Шуренкова);

4. Ҳуқуқ институтидир (Х.Х.Ботиров, Ш.Ф.Файзиев, А.М.Попов, А.В.Кочетова, Э.Ф.Зокирова, К.А.Сергеев, И.А.Малютин, З.М.Исломов).

Юқоридаги таҳлил, тадқиқот ва хулосаларни умумлаштирган ҳолда айтиш жоизки, **ишни судга қадар юритишда дастлабки терговни тўхтатиш** – бу жиноят иши доирасида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг иш бўйича жиноят содир этган шахснинг ишда иштирок этишини таъминлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариши, шунингдек, асослар бартараф этилгунга қадар бўлган фаолиятидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори // <http://lex.uz>.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. — Т ҳарфи / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2020. – Б. 850.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т ҳарфи. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти // Тошкент Б. 854.
4. Репкин Л.М. Приостановление предварительного следствия: Учебное пособие. Волгоград, 1971. Б.12.
5. Ломовский В.Д. Вопросы приостановление производства по уголовному делу в совестком уголовном процессе: автореф. дис. канд. юрид. наук. Ленинград: ЛГУ, 1971. – С. 5.
6. Безлепкии Б.Т. Уголовный процесс России. – М., 2004. – 480 с.
7. Молдован В.В., Кацавецъ Р.С. Кримінальний процес України. Процесуальні документи: навч. посібник. — К.: Алерта; ЦУЛ, 2008. – 376 с.
8. Алимжанов Б.Г. Некоторые вопросы приостановления предварительного следствия и дознания по УПК союзных республик // Общественные науки Узбекистана. АН Узбекской ССР. – Ташкент, 1968. – №2. – С.64.
9. Химичева Г.П. Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2003. – С. 40.
10. Халменов К.Д. Деятельность следователя и органа дознания в связи с приостановлением уголовного дела. – Алма-Ата. 1973. – С. 9.
11. Скворцова С.А., Угольников Н.В., Шуренкова С.С. Уголовный процесс: Пособие. – М.: Инфра. 2003. – С. 81.
12. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc). ... дис. – Т., 2018. – Б. 21.
13. Ботиров Х.Х. “Жиноят ишини юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтини такомиллаштириш: юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2012. – 40 Б.
14. Файзиев Ш.Ф. Суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш муаммолари: Монография. Ю.ф.д., проф, М.Ҳ.Рустамбаевнинг таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б.107.

15. Попов А.М. Проблемы совершенствования оснований и условий приостановления предварительного следствия. дис. ...канд. юрид. наук. Саратов, 2004. – С. 13.
16. Кочетова А.В. Актуальные вопросы института приостановления производства по уголовному делу. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Челябинск. 2006. – С. 16.
17. Закирова Э.Ф. Приостановление предварительного следствия в случае, когда подозреваемый или обвиняемый скрылся от следствия либо место его нахождения не установлено по иным причинам: автореф. дис.канд. юрид. наук. – Ижевск, 2004. – 30 с.
18. Сергеев К.А. Приостановление предварительного расследования: автореф. дис.канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2002. – 33 с.
19. Малютин И.А. Зупинення досудового розслідування: навч.-метод. посіб. – К.: Національна академія внутрішніх справ України, 2003. – 140 с.
20. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масуъл муҳаррирлар: академик, ю.ф.д., проф. Ҳ.Раҳмонкулов, ю.ф.д., проф Ҳ.Бобев. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 707.
21. Жинойат-процессуал ҳуқуқи. Дарслик ТДЮУ нашриёти, 2021 йил. – Б. 146.

